

ФАЛСАФА ВА ХУКУК

ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ, МАЊИНАВИЙ - МАЊИРИФИЙ, ФАЛСАФИЙ - ҲУҚУҚИЙ ЖУРНАЛ

1
2022

FALSAFA va HUQUQ
ФИЛОСОФИЯ и ПРАВО
PHILOSOPHY and LAW

ФАЛСАФА ва ҲУҚУҚ

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-хуқуқий журнал
2022/1 (№21)

Асосий қомусимиз кафили сифатида Конституция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажарниш, “Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариши бундан бўён ҳам фаолиятимнинг бош мезони бўлиб қолади.

Албатта, инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашини назарда тутамиз.

Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуши шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишини, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соглом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

Журнализминг мазкур сонида Ўзбекистон миллий университети, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти” Миллий тадқиқот университети ва Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистоннинг маънавий таракқиёт тамойилларини амалга ошириш жараёнининг долзарб масалалари” мавзууда 2022 йил 10 июнда ташкил этилган илмий-амалий анжуман материаллари ҳам чоп этилмоқда.

Таҳрир ҳайъати:

М.Н.Абдуллаева -
ф.ф.д., профессор
Б.Т.Тўйчиев –
ф.ф.д., профессор
Ж.С.Раматов –
ф.ф.д., профессор
Г.Т.Махмудова -
ф.ф.д., профессор
В.Р. Топилдиев -
ю.ф.д., профессор
Қ.Н.Назаров –
ф.ф.д., профессор
Р.Ж. Рўзиев -
ю.ф.д., профессор
А.Ў.Ўтамуродов -
ф.ф.н., профессор
Ў.Ғ.Тилавов -
ф.ф.д., DSc

Бош мухаррир:
А.Г.Муминов –
с.ф.д., профессор

Муассис: Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий
Университети

Таҳририят манзили: 100095 Тошкент шаҳар,
Университет кўч., 4.
<https://nuu.uz/falsafa-va-huquq-jurnal/>
E-mail: falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz

ISSN 2181-7294

Босилига 20.07.2022 да берилди
Бичими 60x84 Offset қозоги. ЎзМУ босмахонасида
ризографда босилди. “Times” гарнитураси. Хажми 23,75
б.т. Насириёт ҳисоб табоги 30 б.т. Адади 50 нусха.
Буюртма № 177

Журнални нашрга тайёрловчилар
Қ.Назаров, А.Муминов, Х.Сокиев

Каланова С. М.	<i>Жамиятда авлодлар алмашинувининг социологик мөҳияти</i>	106
Сеитов А.П.,	<i>Развитие ИКТ в Узбекистане как вектор развития теоретической мысли</i>	110
Саидхатматаева М.К.		
Мамарасулов У. У.	<i>Sport qoidalarining estetika me'yorlari asosidagi tavsifi</i>	114
Султонова Н.Э.	<i>Ижтимоий ҳаётда фарзанд учун ота-она иброти, меҳр-муҳаббати ва жасамиятда тутгани ўрни</i>	116
Абдиев Ф.Э.	<i>Ёшлар сиёсий онгини ривожлантиришида миллий қадрияларнинг ўрни</i>	123
Уринбоеv Д.Т.	<i>Ёшларда ҳуқуқий менталитетни шакллантиришининг фалсафий масалалари</i>	127
Тоғаев Ш.Х.	<i>Миллий гоя ва мағкуранинг фалсафий-онтологик мазмуни</i>	130
Қалқонов Э.Т.	<i>Янгиланаётган Ўзбекистонда гендер тенгликни ривожлантиришининг ижтимоий фалсафий масалалари</i>	134
Бобоқулов Ш.О.	<i>Ер-ҳуқуқий жавобгарликнинг мустақил тури сифатида</i>	138
Ғаффарова Ғ.	<i>Фанлараро ёндашув ўйналишилари: фалсафий таҳлил</i>	141
Иззетова Э.М.	<i>Интеграция научных дисциплин в контексте трансдисциплинарной методологии</i>	145
Ботирова Ҳ.Э.	<i>Мустақиллик даврида аграр соҳа мутахассислари учун моддий-маънавий шароитларни яратиш</i>	151
Юсувалиева Р.Ю.	<i>Умумхуқуқий тамоилилар – ҳуқуқий сиёсатнинг асосий ўйналишилари сифатида</i>	155
Равшанов А.С.	<i>Қишлоқ ва сув хўжалиги учун етук кадрлар тайёрлаши сиёсатининг концептуал асослари</i>	160
Қандов Б.М.	<i>Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишида ҳуқуқий таълимнинг ўрни</i>	164
Қўйлиев Т.,	<i>Минтақа хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош мезонидир</i>	168
Рахмонбердиева Н.		
Ташметов Т.Х.	<i>Миллий гояни ёшлар онгига сингидиришининг илмий-фалсафий жиҳатлари</i>	172
Исламилов А.З.	<i>Фуқаролик жасамиятида ҳуқуқий онгнинг фалсафий онтологик асослари</i>	176
Адамбаев У.Х.	<i>Аргументлаши ва ишонч-эътиқоднинг шаклланиши</i>	180
Махмудов М.,	<i>Маънавиятнинг ижтимоий омилларини оптималлаштириши – давр талаби</i>	184
Бердиев А.		
Ражабов Ж.	<i>Жамият модернизациялашуви шароитида сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ўрни</i>	187
Халилов Ж.,	<i>Соғлом авлод камолоти – ислоҳотлар мақсади</i>	190
Ахмедов А.		
Маматқулов Э.	<i>Янги Ўзбекистонда фуқаролик жасамияти институтлари ролини ошириши</i>	193

МИЛЛИЙ ГОЯ ВА МАФКУРАНИНГ ФАЛСАФИЙ-ОНТОЛОГИК МАЗМУНИ

Тоғаев Ш.Х.–
ЧДПИ доценти ф.ф.н.

Мустақиллик – биз буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйгунлиги руҳида яшаш, демократик гояларни ёш авлод қалби ва онгига теран сингдириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносаб ўрин эгаллаш, шунингдек, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий ва мухим шарти, миллий тараққиётимизнинг кафолати эканлигини англатади. “Янги Ўзбекистон стратегиясининг мақсади – юртимизнинг баҳтли ва баркамол инсонлар фаровон яшайдиган, ижтимоий адолат тамойиллари тўлиқ қарор топган, дунёнинг энг ривожланган, барқарор ўсаётган ва инсон капитали юқори бўлган демократик давлатлари каторидан жой олишини таъминлашдир”[1, 264]. Бугунги кунда миллий гоя ва мафкуруанинг мазмун-моҳиятини, уларнинг инсон, миллат, жамиятҳаёти ва тараққиётидаги тутган ўрни ҳамда аҳамиятини илмий ўрганиш долзарб вазифалардан бўлиб, бунда фалсафа асосий ўрин тутади. Негаки, барча босқич, соҳа, йўналиш, даража ва кўламдаги гоявий-мафкуравий ишларнинг предметини ташкил қилувчи асосий - фундаментал масалалар кўп жиҳатдан фалсафий мазмунга эга бўлиб, уларни ушбу фандаги ёндошув ва тамойилларсиз етарлича ёритиб бўлмайди. Шунинг учун ҳозирги даврда миллий гоя ва мафкурани илмий ўрганиш, ўқитиш ҳамда тарзиб-ташвиқ қилишда, уларнинг мазмун-моҳиятини, илмий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилиш гоят мухим аҳамиятга эга. Миллий гоя ва мафкура фалсафий таҳлил қилингандаги, энг аввал уларнинг онтологик, кейин методологик ёки гносеологик, аксиологик, праксиологик, ахлоқий, эстетик ва бошқа фалсафий ёндошувлар билан боғлиқ мазмун-моҳияти табиат, жамият, инсон муносабатларининг умумий ривожланиш қонуниятларидан келиб чиқиб, миллий тараққиёт тамойилларига мувофиқ тавсифланади. Айни шу ёндошув ва тамойиллар асосида юзага келган таъриф, талкин ва тавсифлар фалсафий асосланган ҳисобланади.

Дарҳақиқат, инсон ва жамият ҳаётидаги ҳар қандай ҳодисани, шу жумладан миллий гоя ва мафкуруани ҳамда улар билан боғлиқ барча назарий ва амалий масалаларни тўгри тушунтириш учун, аввал уларнинг фалсафий онтологик мазмунини ёритиши лозим. Бошқача айтганда, миллий гоя ва мафкуруанинг онтологик мазмунини билмасдан туриб, уларни тўла ва тўгри тушунтириб бўлмайди.

Миллий гоя ва мафкуруанинг онтологик мазмунини ёритиши деганда, уларнинг асосий борлигини: тузилишидаги асосий хосса-хусусият ва белгиларни, яъни, бу ўринда ҳалқимизнинг уларда ифодаланган эзгу мақсад ва орзу-идеалларини ҳамда уларни рўёбга чиқариш йўлларини кўрсатиб бериш тушунилади. Чунки мафкуруанинг онтологик мазмунида гоялар, гояларда эса мақсад ва орзу-идеаллар асосий ўрин тутади. Шунга кўра, мафкура гояларда, гоялар мақсад ва орзу-идеалларда реаллашади. Мафкуруани билиш учун гояларни, гояларни билиш учун эса ундаги мақсад ва орзу-идеалларни билиш лозим. Яъни, мақсад ва орзу-идеалларни билмасдан туриб – гояларни, гояларни билмасдан мафкуруани тушуниб бўлмайди. Бинобарин, миллий мафкуруани ҳамда у билан боғлиқ масалаларни тўгри тушунтириш учун, аввал миллий гоянинг онтологик мазмунини ташкил қилган асосий мақсад ва орзу-идеалларни ёритиши керак. Ўз вактида бу борадаги ишлар бошида турган Биринчи президентимиз Ш.Мирзиёевининг асрларида айни шу масалага алоҳида эътибор қаратилган: “Яъни, миллий мафкура, миллий гоя деганда бизнинг қандай мақсадлар, қандай амалий йўналишларни кўзда тутишимиз ҳақида одамлар аниқ тасаввурга эга бўлсин. Юртимизнинг ҳар бир фуқароси уни ўзининг гояси деб билсин”[2, 462]. Шунингдек, у киши миллий гоя ва мафкуруани шакллантириб, ривожлантиришга доир энг мухим масалаларни тушунтириб, бу борадаги асосий вазифаларни аниқ-равшан кўрсатар экан, жумладан яна куйидагиларни таъкидлаган эди: “Биз унинг мазмун-моҳияти, уфқларини умумий тарзда белгилаб олдик. Энди ижтимоий соҳа олимлари, мутахассислар, илгор фикрли зиёлилар бу борадаги изланишларни чуқурлаштириб, умумлашган назарий хуласаларни ишлаб чиқишилари, қисқача айтганда, мафкурамизнинг асосий мақсадларини ҳалққа содда, хаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб беришлари лозим”[2, 28]. Демак, гоявий-мафкуравий ишларда энг аввал ҳалқимизнинг миллий гоя ва мафкуруанинг онтологик мазмунида ифодаланган асосий мақсадларини ёритиши керак. Зоро, ҳар қандай ишда мақсадлар аниқ бўлса, қолган масалалар шунга мувофиқ самарали ҳал этилиши мумкин. Бунга барча ишларда жиддий эътибор қаратиш лозим.

Шу нүктай назардан, миллий гоя ва мафкуранинг онтологик мазмунни етарлича ёритилса, **биринчидан**, уларнинг борлигини ташкил қилувчи асосий концептуал мазмунни очилади. Яъни, миллий гоя ёки мафкура деганда, аслида нималарни ёритиш кераклиги аниқ бўлиб, уларнинг асосий тушунча ва тамойиллари, шу соҳадаги фан(лар)нинг предмети, мақсади ҳамда вазифалари ҳаққоний тавсифланади.

Иккинчидан, миллий гоя билан мафкурага доир барча назарий ва амалий масалаларнинг ҳамда уларни ифодаловчи тушунча-категорияларнинг гоявий-мафкуравий мазмунлари дифференциаллашади; ижтимоий ҳаётдаги турли соҳа, йўналиш ва босқичларнинг ривожланишига доир гоявий-мафкуравий масалалар конкретлашади.

Учинчидан, турли даражага ва кўламдаги гоявий-мафкуравий ишларни ташкил қилиш, бошқариш ва аниқ мақсадга йўналтириш учун оптималь шарт-шароитлар, самарали усул-восита ва механизмлар яратилади. Бу борадаги барча ишлар системалашади ва тўғри изга тушади.

Тўртинчидан, миллий гоя ва мафкурани ҳамда улар билан bogliq масалаларни ёритишида ҳар қайси фан ва илмий ёндошувлар таяннадиган умумназарий-методологик асос ва тамойиллар тизими вужудга келади. Шу тариқа, бу борадаги ишларда субъективизмга чек қўйиладиган: миллий гоя ва мафкурани ҳар ким ўзича талқин ва таъриф қилмайдиган реал шароит, тегишли меъёр ва мезонлар пайдо бўлади.

Бешинчидан, миллий мафкура ва ундаги гояларнинг мазмунидаги асосий ва асосий бўлмаган, муҳим ва номухим, таъбир жоиз бўлса, тўғри ёки нотўғри масалалар ажратилиб, улар ҳақида энг ҳаққоний, сода, ҳамма учун тушунарли бўлган бошлангич фундаментал билимлар, таъриф ва талқинлар юзага келади. “Миллий мафкурани оддий инсон онгига етказиш мақсадида уни оддийдан мураккабликка қараб борадиган меъёрда ёритиш, босқичма-босқич асосда ифодалаш даркор”[2, 473].

Афсуски, миллий гоя ва мафкурани илмий ўрганиш, ўқитиш ҳамда таргиги-ташвиқ қилишда, уларнинг ҳамма учун муҳим ва осон тушуниш мумкин бўлган фалсафий-онтологик мазмунини ёритишига етарлича эътибор берилаетпи, деб бўлмайди. Яъни, бу борадаги айrim ишларда миллий гоя ва мафкура ҳамда улар билан bogliq масалалар, умуман назарий даражада, *функционал характерда* [Изоҳ: Ҳозирги даврда миллий гоя ва у билан bogliq қатор тушунча-категориялар кўпроқ функционал мазмунда таъриф ва талқин қилинади. (Қаранг: мавжуд адабиётлардаги “миллий гоя”, “миллий мафкура” ва улар билан bogliq тушунчаларнинг таъриф ва талқинлари). Умуман, ҳар қандай нарса-ҳодисаларнинг ёки тушунча-категорияларнинг функционал мазмунни уларнинг онтологик, методологик, гносеологик ва бошқа фалсафий талқинларидан келиб чиқиб, олдин эмас, кейин келади. Шунинг учун, аввал онтологик мазмунни ёритилмаган нарса ва ҳодисаларнинг функционал характердаги тавсифлари, кўп жиҳатдан, тушунарсиз бўлиб қолади.] ва мураккаб мазмунда ёритилади. Назарий даражадаги талқинлар одамлар учун тушунарсиз бўлса, функционал мазмундаги тавсифлар аҳамиятсиз, ҳавои гаплар бўлиб туюлади. Шу тариқа, уларни илмий ўрганиш ёки ўқитиш жараёнида бутун эътибор гоя(лар)нинг энг асосий - фалсафий онтологик мазмунига эмас, унга қайсиидир жиҳатдан тегишли бошқа масалаларга қаратилади; бу борадаги ишларда объект ва предмет миллий гоя ёки мафкуранинг ўзида эмас, ундан четдаги, ташки масалалар бўлиб қолади.

Масалан, *сув* деб, унинг H₂O муз ёки буг каби хосса-хусусиятларини тавсифлаш билан ҳақиқий сув ҳақида тўғри билим-тасаввур ҳосил қилиш кийин. Чунки, аввало, одамлар учун сувнинг H₂O муз ёки буг эканлиги муҳим эмас. Боз устига сувни тушунтиришда унинг турли хосса-хусусиятлари қанчалик чукур ёритилса, бу борадаги гаплар сувнинг асл мазмунидан шу қадар узоклашади. Оқибатда сув ҳақидаги тасаввурлар мавхум бўлиб қолаверади. Сабаби, H₂O муз ва буглар аслида сув бўлса ҳам уларнинг мазмунни бир-биридан мутлақо фарқ қиласди. Шу боис сув ҳақида гапирганда, одамлар учун ундаги энг муҳим ва зарур бўлган хусусиятларни, яъни биринчи навбатда, унинг ҳаётий манфаат-эҳтиёжларини қондиришга тегишли асосий мазмунини тушунтириш керак. (Таассуфи, сувни шундай тушунтирувчига, “у тўғри тушунтирилмаятпи, асосий мазмунни ёритилмаятпи”, дейилса, барибир юқоридаги тавсиф тўғри чиқарилиши мумкин бўлган қуйидаги ҳолат юзага келади: “Хўш, ундей бўлса, H₂O нима ўзи?!?” – деган саволга, “Умуман, Сув!” – деб жавоб беришга тўғри келади. Кейин яна: “Музчи, бу нима?!?” - дейилса, жавоб яна сув бўлади. “Бугчи, буг!...” Тўғри жавоб барибир шу – сув ва ҳок.)

Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтилганидек, бу ўринда миллий гоянинг онтологик мазмунни деганда, ҳалқимизнинг унда ифодаланган асосий мақсад ва орзу-идеаллари тушунилади. Ушбу мақсад ва орзу-идеаллар эса “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш” ёки юртимизда ҳуқукий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти куриш, дейилади. Миллий гоянинг асосий

мазмуни ана шундан бошланади. “Ўзбекистоннинг янги уйгониш даврини яратишга киришган эканмиз, ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онгиди ана шундай маънавият шуъласи порлаши ва у бизни эзгу ишларга ундан, юксак масъулият туйғуси билан яшашга даъват этиб туриши зарур[1, 266-267], - дея таъкидланади, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида.

Бинобарин, уни илмий ўрганиш, ўқитиши ва тарғиб-ташвиқ қилишда, аввало айни шу масалаларнинг мазмун-моҳияти. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётнинг ўзи нима эканлиги, яъни бизда озодлик, эркинлик, фаровонлик ёки ҳалқ фаровонлиги қандай тушунилиши, бу ерда хуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қандай амал қилиши, юртимиздаги ҳар бир гурух, тоифа-қатламдаги кишиларнинг турмуш даражаси, умуман ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, хуқуқий, маънавий-маданий, маърифий ахволи қанақа бўлиши, барча ижтимоий муносабатлар қандай характер касб этиши, уларнинг келгуси реал ва идеал ҳолати, шакли, кўриниши, қиёфаси, мазмуни, меъёри ва мезонлари атрофлича ёритилиши лозим. «Чунки жамиятимиз, мамлакатимиз ўз олдига қўйган эзгу муддао ва вазифаларни аниқ-равshan белгилаб олмасдан туриб, миллатимизнинг асрий анъана ва урф-одатларини, ўзлигимизнинг асосий хусусиятларини мужассам этадиган миллий мафкурани шакллантириш мумкин эмас, - деб таъкидлаган эди биринчи Президентимиз И.Каримов. - Бунинг учун, аввало, биз қандай давлат, қандай жамият, қандай тузум барпо этмоқдамиз, унинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий асослари нималардан иборат, деган саволга жавоб топишимиз керак»[2, 495]. Айни пайтда, шу пайтгача амал қилган Миллий истиқлол мафкураси асосий концепциясида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган[3, 28]. Демак, гоявий-мафкуравий ишларда жамиятимиздаги ҳар бир соҳанинг ривожланиш истиқболларини, келгуси ҳолатини тавсифлашга жиддий эътибор қаратиш зарур. Бунда, ҳалқимиз ва мамлакатимиз ҳаётини ривожлантириш стратегиясидан келиб чиқиб, умуман ҳалқимиз ва мамлакатимизнинг келгуси ҳаёти қандай бўлиши, масалан, одамларимиз 5, 10, 20 ёки 30 йилдан сўнг қандай шароитда яшаши мумкинлиги ҳақида аниқ тасаввур-қарашларни шакллантириш лозим. Бу борадаги масалаларни айнан фалсафа ёрдамида самарали ҳал қилиш мумкин. Зоро, ҳар бир инсон, миллат ёки жамият учун, уларнинг ҳаёти ва тараққиёти учун, ўтмиш ҳамда бугун ҳақидаги билимлар қанчалик муҳим бўлса, келажакка доир билим, тасаввур-қарашлар ундан ҳам муҳим. Кўп ҳолларда, бу ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Хуллас, миллий ғоя ва мафкурани тўғри тушуниш ва тушунтириш учун, уларни албатта илмий-фалсафий жиҳатдан: аввал онтологик, кейин методологик, ундан кейин гносеологик, аксиологик, праксиологик ва бошқа фалсафий ёндошувлар асосида таҳлил қилиб, босқичма-босқич тизимли ёритиш лозим. Бошқа ҳар қандай ёндошув ва талқинлар шунга асосланиши, хусусан улар миллий гоянинг онтологик мазмунидан келиб чиқиши жоиз, акс ҳолда на ғоя, на мафкуранинг ҳеч бир томони етарлича ёритилмайди, баъзан мутлақо нотўғри таъриф ва талқин қилинади. Шу тарика, улар одамлар учун умуман тушунарсиз бўлиб қолади. Чунки онтологик мазмунидан ажралган ҳар қандай нарса-ҳодиса ва жараёнлар ҳақидаги билим, тушунча-қарашлар кўп жиҳатдан ноаниқ, бирёклама ёки умуман сохта мазмун касб этади. Фикримизча, бугунги кунда миллий ғоя, маънавият ва мафкурани илмий ўрганиш, ўқитиши ва тарғиб-ташвиқ қилишда юқорида айтилган масалаларга жиддий эътибор қаратиш максадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР:

- Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент; “O’zbekiston” нашриёти, 2021. 464 б. 464 бет.
- Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т. 8. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
- Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.:Ўзбекистон, 2000. –Б. 28.

РЕЗЮМЕ:

Мақолада бугунги кунда миллий ғоя ва мафкуранинг мазмун-моҳиятини, уларнинг инсон, миллат, жамият ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрни ҳамда аҳамияти ёритилган ҳамда ҳамма учун муҳим ва осон тушуниш мумкин бўлган фалсафий-онтологик мазмуни ҳақидаги айrim мулоҳазалар таҳлили ўрин олган.

Калит сўзлар: суворенитет, ғоя, миллий ғоя, мафкура, гносеология, аксиология, праксиология, ахлоқ, эстетика, маънавият.

РЕЗЮМЕ:

В статье описывается сущность национальной идеи и идеологии на сегодняшний день, их роль и значение в жизни и развитии человека, нации, общества.

Ключевые слова: суверенитет, идея, национальная идея, идеология, аксиология, праксиология, этика, эстетика, духовность.

RESUME:

The article describes the essence of national ideas and ideologies today, their role and significance in the life and development of a person, nation, society. In the current difficult situation of our state, in order to live peacefully with neighboring countries, increase our defense capability, analyze, teach and promote the national idea and ideology, analyze our views on important and understandable philosophical and ontological content.

Keywords: sovereignty, idea, national idea, ideology, epistemology, axiology, praxeology, ethics, aesthetics, spirituality.